

## БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШINI ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
PhD З.Ташкенбаева

*Аннотация.* Ушбу мақолада иқтисодий таҳлил фанининг бир қисми бўлиб ҳисобланган бошқарув таҳлилининг таркибини назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириши масалалари кўриб чиқилган.

*Таянч сўзлар:* бошқарув ҳисоби, бошқарув таҳлили, иқтисодий кўрсаткичлар, меҳнат ресурслари, бизнес режа, ишлаб чиқариш.

**Кириш.** Ҳар қандай фаннинг таркибий тузилишини такомиллаштириш нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки, унинг таркибини тўғри танлаш ушбу фанда қандай масалаларни кўриб чиқишни, талабаларни ўқитишда тўғри ёндашишни, энг муҳими, қайси кўрсаткичларни амалиётда ошкора қилиш (ташки фойдаланувчилар учун) ва қайси кўрсаткичлар ҳисоби ва таҳлилини ошкора қилмасликни, корхонанинг маълум даражада сирини сақлаган ҳолда унинг рақобатдошлигини таъминлаш масалаларини ҳал қилиш учун ҳам зарурдир. Шу боис ушбу масала юзасидан айрим тавсиялар мавжуд.

Айрим олимлар бошқарув таҳлилини бошқарув ҳисобининг таркибий қисми сифатида ёндашадилар. АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (ХТА) лойиҳа таҳлили, инвестиция таҳлилларини ҳам бошқарув ҳисобининг бир қисми сифатида ўрганишни тавсия қилади. Ваҳоланки, бошқарув таҳлили ҳам бошқарув ҳисоби сингари мустақил фан даражасига кўтарилди. Улар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, аммо ҳар бири нисбий мустақил бўлган фанлардир. Шу туфайли ҳозирги пайтда мамлакатимизда бошқарув таҳлили алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда ва бу бўйича айрим ўқув қўлланмалари ва китоблар ҳам юзага кела бошлади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Олимларимиздан Ё.Абдуллаев, А.Иброҳимов ва М.Раҳимовлар бошқарув таҳлили бўйича биринчилар қаторида ўз фикрларини баён этганлар.[1] Бошқарув таҳлилини иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми сифатида қараб, унда кўриладиган масалаларни беш гуруҳга бўлиб кўрсатади:

1. Маҳсулот, иш ва хизматларга бозор талаби ҳамда таклифининг таҳлили.
2. Маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда сотишнинг таҳлили.
3. Меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланишнинг таҳлили.

4. Маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархининг таҳлили.

5. Моддий ресурслар ва улардан самарали фойдаланишнинг таҳлили.

Мазкур олимларнинг ушбу тавсияси мамлакатимизда бошқарув таҳлилининг таркибига ёндошиш учун асос бўлди. Унинг таркиби илк бор шундай шаклланди. Аммо ушбу таркиб ҳали мукамал шаклланмаган, айрим муҳим масалаларни ҳам ўзида мужассам этмаган эди. Хусусан, ушбу таркибда бошқарув таҳлилининг назарий асоси, моддий ва номоддий активларнинг таҳлили, корxonанинг рақобатбардошлиги, фойдалилик нуқтаси ва маржинал таҳлил усуллари, корxonанинг маркетинг ва инвестиция фаолияти таҳлили каби муҳим масалалар ўз ифодасини топмаган эди.

Натижада бошқарув таҳлилига бағишланган мустақил адабиётлар пайдо бўла бошлади.

Жумладан, А.Х. Шоалимов ва Ш.А.Тожибоевалар ўзларининг «Бошқарув таҳлили» номли ўқув қўлланмасида бошқарув таҳлили таркибий тузилишини 4 гуруҳга бўлади.[2]

1. Бошқарув таҳлилининг назарий асослари.

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича бизнес режанинг бажарилишини таҳлил қилиш.

3. Саноат корxonларини меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фондиди таҳлил қилиш.

4. Саноат корxonаларининг моддий ресурслар билан таъминланиши ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш.

Ушбу таркиб албатта муҳим аҳамиятга эга, чунки бошқарув таҳлили иқтисодий таҳлилнинг бир қисми сифатида ўзига хос нисбий мустақилликка ҳам эга. Бу эса унинг назарий асосини мавжудлигини тақозо қилади. Шунингдек, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, меҳнат ресурслари ва моддий ресурслар таҳлили ҳам ушбу таҳлилда бўлиши ижобий. Аммо бошқарув таҳлили фақат шу кўрсаткичлар билангина чекланиб қолмайди. Унинг таркибига бир қанча қўшимча кўрсаткичларни ҳам киритиш лозимки, қайсики, уларни ушбу таҳлилда қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Кейинчалик А.Иброҳимов ва М.Раҳимовлар ҳам ўзларининг «Бошқарув таҳлили» номли ўқув қўлланмасини чоп этди. [3] Бу қўлланмада яна мазкур фаннинг назарий асосини қарамасдан бевосита кўрсаткичлар таҳлилига киришган. Бу ишнинг таркиби олдинги А.Х.Шоалимов ва Ш.А. Тожибоевалар томонидан «Бошқарув таҳлили» да кўриб чиққан бўлимларга жуда яқин. Фақат уларнинг китобида харажатлар ва таннархни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили қўшимча равишда ўз ифодасини топган. Ҳақиқатда, бошқарув таҳлилида харажатлар таҳлили кўрилиши лозимдир, чунки ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида бошқарув таҳлили вужудга келган.

Айрим тадқиқотчиларда бошқарув таҳлилининг таркибига ўзига хос тарзда ёндашилмоқда. Жумладан, Ж.И. Исроилов бошқарув таҳлилинини тадбиркорлик субъектлари фаолиятига мос тарзда ишлаб чиққан ва қуйидаги

(1-жадвалда ифода этилган) кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилишни тавсия қилган. [4]



*1-чизма. Табиркорлик субъектлари фаоиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими*

Ҳозирги пайтда бошқарув таҳлили бўйича турли адабиётларнинг пайдо бўлиши билан бирга бирқанча тадқиқотларда ҳам бу масалага алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ушбу тавсиянинг муҳимлиги шундаки, бир иқтисодий категориянинг айрим кўрсаткичлари бошқарув таҳлилида, айримлари эса молиявий таҳлилда кўриб чиқилиши кўзда тутилган. Бундай ёндошув муҳим аҳамиятга эга. Чунки, айрим иқтисодий категориялар борки, уларни албатта ташқи фойдаланувчилар билиши лозим. Аммо уларнинг айрим жиҳатлари корхонанинг фойдаланувчилари учун мўлжалланган бўлиб корхонанинг сирини ошкор қилмасликни тақозо қилади. Шу туфайли ушбу ёндошув нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга. Бироқ ушбу тавсияда бошқарув таҳлилининг назарияси ўз аксини топмаган ва унда кўрсаткичлар тизими гуруҳларга бўлиб кўрсатилмаган. Бундан ташқари, ушбу тавсияда бошқарув таҳлилида кўрилиши лозим бўлган корхонанинг моддий ресурслари, маҳсулот (иш, хизматлар)га бозор талаби ва таклифи, корхонанинг маркетинг фаолияти, инвестиция фаолиятининг самарадорлиги ва жозибаторлиги каби кўрсаткичлар таҳлили ҳам ўз аксини топмаган.

Бошқарув таҳлилининг таркибий тузилиши бўйича анча такомиллашган, назарий жиҳатдан асосланган, амалий жиҳатдан такомиллашган вариантлар ҳам мавжуд. Жумладан, М.Қ. Пардаев докторлик диссертациясида бошқарув таҳлили таркибига тўхталиб қуйидагиларни таъкидлайди. “Иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмларидан бири бошқарув таҳлиlidir. Ишда бошқарув таҳлилида қўлланилиши лозим бўлган саволларни ишлаб чиқдик ва тавсия қилмоқдамиз. Буларга қуйидагилар киради:

- бошқарув таҳлилининг назарий асослари;
- ишлаб чиқариш ва бошқа иқтисодий жараёнларни амалга ошириш учун моддий ва номоддий ресурслар билан таъминланиш масалалари;
- ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш жараёнлари;
- шу жараёнларни амалга ошириш учун сарф қилинадиган харажатлар;
- иқтисодий жараёнларнинг молиявий натижалари билан боғлиқ кўрсаткичлар”. [5]

Ушбу кўрсаткичлар, бизнинг фикримизча, бошқарув таҳлилининг барча қисмини ўз ичига олади. Ишда ҳар бир бўлим бўйича кўрилиши лозим бўлган саволлар тизими ҳам келтирилган. Бу масалалар бошқарув таҳлилининг таркибий тузилишини шакллантириш учун асос бўлади деб ҳисоблаймиз.

Аммо ушбу ишда ҳам мазкур масалалар алоҳида қисмларга бўлиб кўрсатилмаган. Бизнинг фикримизча, бошқарув таҳлилида кўриладиган масалаларни ҳам алоҳида қисмларга бўлиб ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлаймиз.

Бу борада С.А. Бороненкованинг тавсияси диққатга сазовордир. Муаллиф ўзининг мазкур фанга бағишланган ўқув қўлланмасида бошқарув таҳлилини 3 қисмга бўлади. [6]

1. Бошқарув таҳлилининг назарий асоси;
2. Ишлаб чиқариш ресурслари таҳлили;
3. Ишлаб чиқариш натижалари таҳлили.

Бошқарув таҳлилининг ушбу қисмларга бўлиниши корхонанинг ишига иқтисодий жиҳатдан тавсиф бериш имкониятини беради. Аммо ишда ишлаб чиқариш ресурслари билан шу жараёнларнинг натижалари қаралганда уларнинг содир бўлиши учун зарур бўлган харажатлар гуруҳи ажратиб кўрсатилмаган.

С.А. Бороненкова тавсия қилган бошқарув таҳлилининг назарий қисмида, унинг предмети, объекти, методи, услубий асослари ва унда қўлланиладиган алоҳида усуллар ҳамда бошқарув таҳлилни ташкил қилиш масалалари қараб чиқилмаган. Шунингдек, навбатдаги бўлимларида бошқарув таҳлилида кўрилиши лозим бўлган саволлардан айланма маблағларнинг ҳолати ва жойланиши билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили, номоддий активларнинг амортизацияси ва таркиби билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили, фойданинг шаклланиши ва тақсимланиши билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили, корхонанинг маркетинг ва инвестиция фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлиллари каби муҳим масалалар ҳам ишда ўз аксини топмаган.

Ушбу камчиликлар босқичма-босқич бартараф қилиниб борилмоқда. 2004 йилда М.Қ. Пардаев раҳбарлигида бир гуруҳ олимларнинг “Бошқарув таҳлили” китоби чоп этилди. Ушбу ишда бошқарув таҳлилида 7 та боб кўрилиши кўзда тутилган.

1. Бошқарув таҳлилининг миллий истиқлол ғоясига мослигини таъминлаш муаммолари, мазмуни, таркиби ва асосий вазифалари.
2. Бошқарув таҳлилининг предмети, методи ва махсус усуллари.
3. Бошқарув таҳлилни ташкиллаштириш ва унда қўлланиладиган маълумотлар манбаи.
4. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлили.
5. Корхонанинг меҳнат ресурслари ва меҳнатга ҳақ тўлашни таҳлил қилиш.
6. Асосий воситаларнинг таркиби, ҳолати ва самарадорлигини таҳлил қилиш.
7. Корхоналарнинг моддий ресурслар билан таъминланиши ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш.

**Таҳлил ва натижалар.** Кўриниб турибдики, ушбу тавсияда олдинчиларига нисбатан кенгроқ масалалар кўрилган. Энг муҳими, бошқарув таҳлилининг назарий қисмига 2 та боб ажратилган бўлиб, унда таҳлилнинг миллий истиқлол ғояси билан боғлиқлик масаласи илк бора кўтариб чиқилган. Бундан ташқари ушбу таъкидда корхонанинг асосий воситалари таҳлили каби масалалар ҳам ўз аксини топган.

Юқорида номлари қайд этилган муаллифлар томонидан бошқарув таҳлилининг иккинчи тўлдирилган ва қайта ишланган варианты чоп этилди.

[7] Ушбу ишда юқоридаги 7 та саволга яна қўшимча қуйидаги масалалар ҳам қўшилган.

1. Фойдалилик нуқтаси ва у билан боғлиқ кўрсаткичларнинг маржинал таҳлили.

2. Корхонанинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.

3. Корхонада харажатлар ва таннархни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.

Умуман олганда ушбу тавсия олдингиларига нисбатан анча такомиллашган бўлиб, бошқарув таҳлилининг мазмунини тўлароқ қамраб олган. Аммо ҳамон бошқарув таҳлили бўйича мукамал, унда кўриладиган барча саволлар мужассамлашган таркиб шаклланган эмас. Хусусан, М.Қ. Пардаев раҳбарлигида чоп этилган ишда ҳам бошқарув таҳлилида кўриладиган айрим саволлар ҳамон ўз ечимини топмаган. Хусусан, бошқарув таҳлилида яна айланма маблағларнинг ҳолати ва жойланиши билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили, номоддий активларнинг амартизацияси ва таркиби билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили, фойданинг шаклланиши ва тақсимланиши билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили, маҳсулот, иш ва хизматларга бозор талаби ҳамда таклифининг таҳлили, корхона маркетинг фаолиятининг таҳлили, инвестиция фаолияти ва унинг жозибадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари каби мавзуларни кўриш лозим, деб ўйлаймиз.

**Хулоса ва таклифлар.** Биз ушбу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида бошқарув таҳлилининг ўрганиш учун уни қуйидаги 7 қисмга бўлиб таҳлил қилиш лозимлигини тавсия қиламиз.

1. Бошқарув таҳлилининг назарияси.

2. Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)ни таъминловчи моддий ва номоддий активлар, яъни иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили.

3. Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнларининг молиявий манбалар (салоҳияти) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили.

4. Иқтисодий жараёнлар (ишлаб чиқариш ва сотиш)нинг содир бўлиши учун тегишли харажатлар ва таннарх билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили.

5. Бевосита иқтисодий жараёнлар (ишлаб чиқариш ва сотиш) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили.

6. Иқтисодий жараёнлар (ишлаб чиқариш ва сотиш)нинг натижаси билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили.

7. Корхонанинг рақобатбардошлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили.

Ушбу қисмларга киритиладиган мавзулар бизнинг фикримизча қуйидагилардир (2-жадвал).

### Бошқарув таҳлилининг таркибий тузилиши

№	Бошқарув таҳлилининг қисмлари	Бошқарув таҳлилида кўриладиган масалалар
1	Бошқарув таҳлилининг назарий асоси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Бошқарув таҳлилининг мазмуни, мақсади, ва унинг корxonани бошқаришдаги ўрни ва бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари</li> <li>2. Бошқарув таҳлилининг предмети, объекти, методи ва услубий асослари.</li> <li>3. Бошқарув таҳлилида қўлланиладиган усуллар</li> <li>4. Бошқарув таҳлилида қўлланиладиган маълумотлар манбаи.</li> <li>5. Бошқарув таҳлилида ички имкониятларни топиш ва уни ишлаб чиқаришга сафарбар қилиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш.</li> <li>6. Бошқарув таҳлилини ташкил қилиш.</li> <li>7. Бошқарув таҳлилининг миллий истиклол ғоясига мослигини таъминлаш муаммолари</li> </ol>
2	Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)ни таъминловчи моддий ва номоддий активлари, яъни иқтисодий салоҳият билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Корxonанинг ташкилий-техник даражасини таҳлил қилиш.</li> <li>2. Корxonада асосий воситалар амортизацияси ва таркиби билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили</li> <li>3. Айланма маблағларнинг ҳолати ва жойланиши билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили</li> <li>4. Номоддий активларнинг амортизацияси ва таркиби билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили</li> <li>5. Меҳнат салоҳияти ва ресурсларининг ҳолати, таркиби ва иш ҳақи билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили.</li> <li>6. Корxonанинг моддий ресурслар билан таъминланиши ва унда фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар.</li> <li>7. Корxonа инвестиция фаолияти самарадорлигининг таҳлили</li> </ol>
3	Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнларининг молиявий манбалари (салоҳияти) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили</li> <li>2. Четдан талаб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили</li> </ol>
4	Иқтисодий жараёнлар (ишлаб чиқариш ва сотиш) нинг содир бўлиши учун тегишли харажатлар ва таннарх таҳлили	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Харажатлар умумий ҳажмининг таҳлили</li> <li>2. Харажатларнинг таркиби бўйича таҳлили</li> <li>3. Харажатларнинг омилли таҳлили</li> <li>4. Калькуляциянинг бажарилиши таҳлили</li> </ol>
5	Бевосита иқтисодий жараёнлар (ишлаб чиқариш ва сотиш) билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили</li> <li>2. Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили</li> </ol>
6	Иқтисодий жараёнлар (ишлаб чиқариш ва сотиш) нинг натижаси билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили</li> <li>2. Фойдани ифодаловчи кўрсаткичларнинг омилли таҳлили</li> <li>3. Рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг омилли таҳлили</li> <li>4. Фойдалилик нуқтаси ва у билан боғлиқ кўрсаткичларнинг маржинал таҳлили</li> <li>5. Фойданинг шаклланиши ва тақсимланиши билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили</li> </ol>
7	Корxonанинг рақобатбардошлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Корxonанинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили</li> <li>2. Маҳсулот, иш ва хизматларга бозор талаби ҳамда таклифининг таҳлили</li> <li>3. Бозор омили ва унинг бошқарув таҳлили мақсади ва вазифаларининг шаклланишига таъсири</li> <li>4. Корxonа маркетинг фаолиятининг таҳлили</li> </ol>

Биз тавсия қилган бошқарув таҳлилининг мазкур таркиби, ўйлаймизки, ушбу фаннинг мазмунини тўлиқ камраб олади. Унинг назарий аҳамияти шундан иборатки, корхонанинг ички фойдаланувчилари учун лозим бўлган барча кўрсаткичларини таҳлил қилиш усули бир тизимга келтирилган бўлиб, уни амалга ошириш учун системали ёндошган ҳолда, унинг методологиясининг яратишидир. Тавсиянинг амалий аҳамияти корхонанинг ишлаб чиқариш, тижорат, технологик, бошқарув каби сирлари сақланган ҳолда унинг ички имкониятларини ахтариб топиш чораларини ишлаб чиқишни осонлаштириш билан белгиланади.

Биз ишлаб чиққан тавсиянинг бошқа олимлар тавсияси билан қай жиҳатдан фарқ қилишини бўйича аниқ тасаввурга эга бўлиш учун уларда кўрилган саволларнинг қиёсий таҳлилинини келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдик (3-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ё.А.Абдуллаев раҳбарлигида тайёрланган ишда 5 та бўлим қаралиши кўзда тутилган. А.Х. Шоалимов раҳбарлигидаги ўқув қўлланма анча кенгайтирилган ва унда 8 та масалани кўриш тавсия қилинган. А.Иброҳимов ва М.Раҳимовлар эса, бошқарув таҳлилинини 5 та бўлимда кўриб чиқиш етарли деб ҳисоблайди. М.Қ.Пардаев раҳбарлигида тайёрланган ишда бошқарув таҳлилида 14 та саволни кўришни тавсия қилиш билан чегараланган. С.А. Бороненкова бошқарув таҳлилида 12 та масалага диққатни қаратади. Биз барча олимлар фикрларини, амалиётдаги бу саволларга бўлган эҳтиёжни ўрганиб, бошқарув таҳлилида 25 та мавзулар бўлими бўлиши керак, деган хулосага келдик.

*3-жадвал*

**Бошқарув таҳлилининг таркибий тузилиши бўйича мавжуд қарашлар  
ва бизнинг тавсиямиз**

№	Бошқарув таҳлилида кўриладиган мавзулар	Ўқув дастурида	Ё.Абдуллаев, А.Иброҳимов, М.Раҳимов	А.Х.Шоалимов, Ш.А.Тожибоева	А.Т.Иброҳимов, М.Ю.Раҳимов	М.Қ.Пардаев, А.Х.Шоалимов ва бошқ.	С.А.Бороненкова	Ж.И.Исроилов	Бизнинг тавсия
1	Бошқарув таҳлилининг мазмуни, макс-ди, ва унинг корxonани бошқаришдаги ўрни ва бозор муносабатлари шароитидаги вазифалари	-	-	+	-	+	+	-	+
2	Бошқарув таҳлилининг предмети, объекти, методи ва услубий асослари.	-	-	+	-	+	-	-	+
3	Бошқарув таҳлилида қўлланиладиган усуллар	-	-	+	-	+	-	-	+
4	Бошқарув таҳлилида қўлланиладиган маълумотлар манбаи.	-	-	+	+	+	+	-	+



**“Актуар молия ва бухгалтерия ҳисоби” илмий журнали.**  
**№1, 2021й. ISSN:2181-1865**

5	Бошқарув таҳлилида ички имкониятларни топиш ва уни ишлаб чиқаришга сафарбар қилиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш.	-	-	-	-	+	+	-	+
6	Бошқарув таҳлилини ташкил қилиш.	-	-	+	-	+	-	-	+
7	Корхонанинг ташкилий-техник даражасини таҳлил қилиш.	-	-	-	-	-	+	-	+
8	Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг таҳлили	-	+	+	+	+	+	+	+
9	Харажатлар ва таннархни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили	-	+	-	+	+	+	+	+
10	Фойдалилик нуқтаси ва у билан боғлиқ кўрсаткичларнинг маржинал таҳлили	-	-	-	-	+	+	+	+
11	Корхонанинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили	-	-	-	-	+	+	+	+
12	Корхонада асосий воситалар амартизацияси ва таркиби билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	-	-	-	-	+	+	+	+
13	Айланма маблағларнинг ҳолати ва жойланиши билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	-	-	-	-	-	-	+	+
14	Номоддий активларнинг амартизацияси ва таркиби билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	-	-	-	-	-	-	+	+
15	Меҳнат салоҳияти ва ресурсларининг ҳолати, таркиби ва иш ҳақи билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили.	-	+	+	+	+	+	+	+
16	Корхонанинг моддий ресурслар билан таъминланиши ва унда фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	-	+	+	+	+	+	-	+
17	Фойданинг шаклланиши ва тақсимланиши билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	-	-	-	-	-	-	+	+
18	Маҳсулот, иш ва хизматларга бозор талаби ҳамда таклифининг таҳлили	-	+	-	-	-	-	-	+
19	Бошқарув таҳлилининг миллий истиқлол ғоясига мослигини таъминлаш муаммолари	-	-	-	-	+	-	-	+
20	Бозор омили ва унинг бошқарув таҳлили мақсади ва вазифаларининг шаклланишига таъсири	-	-	-	-	-	+	-	+
21	Корхона маркетинг фаолиятининг таҳлили	-	-	-	-	-	-	-	+
22	Корхона инвестиция фаолияти самарадорлигининг таҳлили	-	-	-	-	-	-	-	+
23	Ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	-	-	-	-	-	-	-	+
24	Четдан талаб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	-	-	-	-	-	-	-	+
25	Молиявий натижалар, фойда ва рентабелликнинг омилли таҳлили	-	-	-	-	-	-	+	+

Бизнинг фикримизча, тавсия қилинаётган бошқарув таҳлилининг таркиби нафақат назарий, балки амалий талабларга ҳам тўлиқ жавоб беради ва улар мазкур фаннинг бозор муносабатлари шароитида мазмунини тўлиқ ифода этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдуллаев Ё ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 2001. – 47-96 бетлар.
2. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2003. 2-3 бетлар.
3. Иброҳимов А.Т. Раҳимов М.Ю. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: ТМИ. 2004.
4. Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили. Номзодлик диссертацияси автореферати. Банк-молия академияси. 2004, 10-бет.
5. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. Иқтисод фанлари доктори диссертацияси. Банк-молия академияси. 2002, - 72-бет.
6. Бороненкова С.А. Управленческий анализ. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 380-382 бетлар.
7. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Бошқарув таҳлили. Иккинчи нашри. – Самарқанд: СамИСИ. 2005.
8. Aldónio Ferreira, David Otleyb. The design and use of performance management systems: An extended framework for analysis. Management Accounting Research, Volume 20, Issue 4, December 2009, Pages 263-282